



ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СУҒУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ

Хўжақулова Ирода Ураловна

Тошкент давлат иқтисодий университети таянч докторанти
email: irodahuzakulova@gmail.com

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 7 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a7	Мақолада Ўзбекистон аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда чорвачилик сугуртасининг аҳамияти ҳақида ёритилган. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўрганилган ва статистик маълумотлар таҳлил қилинган. Чорвачилик тармоғини ривожлантириш бўйича керакли таклифлар берилган.
KEYWORDS	Чорвачилик тармоғи, чорва ҳайвонлари сугуртаси, сугурта таваккалчилиги, иқлим ўзгариши, субсидия.

Кириш (Introduction/Введение).

Республикаимизнинг қишлоқ хўжалиги асосий иқтисодий тармоқлардан бири ҳисобланади. Аҳолини сифатли ва барқарор равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда чорвачилик тармоғи муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда бутун дунёда глобал иқлим ўзгариши рўй бермоқда, бу эса барча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларини ҳушёрликка чорлайди. Турли қутилмаган хавф-хатарлардан олдини олиб бўлмайди, лекин сугуртавий химоя орқали тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришимиз мумкин. Айниқса чорвачилик сугуртаси муҳим ечимлардан бири бўлиб, унинг долзарблигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонининг “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” бўлимида 30-мақсад: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш учун “Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва сугурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш...” каби вазифалар белгиланган [1].

Ўзбекистон Республикаси Евроосиё минтақасининг марказий қисмида 37-45° ш.к. 56-73° ш.у. орасида жойлашган. Умумий майдони 447,7 минг.км2 ни ташкил этади, бундан 78,8% текисликларга, 21,2% - тоғ ва тоғ олдида қиради. Худуд Марказий Осиёнинг қургокчил зонасига қиради.

Куёш радиацияси юқори даражада келиши ва атмосфера циркуляцияси континентал иқлим ҳилини шакллантириб, ҳаво ҳарорати анча ўзгаришчанлиги билан характерланади ва ёзи иссиқ ва куруқ, баҳори нам, киши ўзгаришчан бўлади. Шундай ўзгаришчан иқлим шароитида чорвачилик фаолияти билан шуғулланиш албатта катта таваккалчиликни келтириб чиқаради. Республикаимизда чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун президент томонидан қатор қонун ва қарорлар имзоланди ва зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (анализ использованной литературы. Literature review).

2023 йил 11 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ЎЗБЕКИСТОН–2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармонининг иккинчи “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” бўлими 54-мақсадида қуйидагилар келтирилган [2]:

- Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорвани сугурта қилиш тизимини ислох қилиш, алоҳида сугурта жамғармасини ташкил этиш ва унга 100 миллион долларни жалб қилиш, деҳқон ва фермерларга сугурта мукофотининг 50 фоизини субсидиялаш тизимини жорий қилиш.

- Чорвачилик соҳасида озука базасини мустаҳкамлаш, яйлов ерлардан унумли фойдаланишни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрда қабул қилган қарори билан “Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини сугурта қилиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ, чорва ҳайвонларини сугурталаш учун сугурта қилдирувчининг оғзаки ёки ёзма мурожаати бўйича ихтиёрий равишда сугурталовчи билан шартнома тузилади [3].

2021 йил 3 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 8-бўлимига кўра “Молия вазирлиги:

а) «Ўзбекбаликсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда балиқчилик хўжаликлари томонидан сунъий сув хавзалари, уларда етиштирилаётган балиқлар ва балиқчилик технологик ускуналарини сугурталаш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, бўрон, довул, сел, сув тошқини, зилзила, касалликлар оқибатида нобуд бўлиш, мазкур жойга хос бўлмаган даражада хавонинг совуқ ёки иссиқ келиши, портлаш, балиқхўр қушлар томонидан зарар етказилиши ва учинчи шахс томонидан қасддан қилинган ҳаракат, ўғриликлар (жиноят иши очилган бўлса) сугурта ҳодисалари сифатида сугурталаш тартибида назарда тутилсин;


б) «Ўзбекчорванасл» агентлиги билан биргаликда республикада фаолият юритаётган паррандачилик корхоналаридаги мавжуд паррандаларни турли касалликлар ва фавқулодда вазиятлар (электр энергияси ва табиий газдаги узилишлар) оқибатида нобуд бўлишини

суғурталаш тартибини ишлаб чиқсин» каби вазифалар белгиланган [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озука базасини мустаҳкамлаш чоратadbирлари тўғрисида» 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон қарорига мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб 2023 йил 31 декабрга қадар гидропоника усулида чорва молларига озука етиштириш ускуналарини харид қилиш харажатининг 20 фоизи республика бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши, бунда мазкур ускуна қийматининг 100 миллион сўмдан ошмаган қисми қопланиши белгиланган [5].

Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты. Analysis and results).

2023 йил 1 январь ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган қорхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжалиқларидан ташқари) сони – 53 808 тани, шундан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларда – 49 859 тани, ўрмон хўжалигида – 268 тани ҳамда балиқчилик хўжалигида – 3 681 тани ташкил этди [6].



1-расм. Ўзбекистон Республикасида чорвачилик маҳсулотлари тўғрисида маълумот (минг тонна, олинган қорақул терилари-минг дона)


Юқоридаги расмда 2024 йил 1 январ ҳолатига охириги олти йилликдаги ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу маҳсулотлар бир маромда ўсиб бораганини кўришимиз мумкин.

Республикада аҳоли истеъмоли учун етиштирилган гўшт маҳсулотлари ҳақида маълумот 2-расмда келтирилган бўлиб, унга кўра йирик шохли қорамоллар кўрсаткичи ошиб бормоқда. Қўй ва эчкилар кўрсаткичи эса 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 27,9 минг тоннага камайган, кейинги йилларда эса секин ўсиб борган, лекин республикада аҳолиси йилдан йилга ошиб бораётганлигини ҳисобга олсак, қўй ва эчкилар сонини ошириш учун уларнинг табиатидан келиб чиқиб зарур чоралар ишлаб чиқишимиз зарур.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони
2. 2023 йил 11 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ЎЗБЕКИСТОН-2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрда қабул қилган қарори билан “Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисида”ги низоми.
4. 2021 йил 3 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озука базасини мустаҳкамлаш чоратadbирлари тўғрисида» 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон қарори.
6. [www.stat.uz/file:///C:/Users/user/Downloads/Qis%20hloq,%20o%20rmon%20va%20balic%20xo%20jaligi%20\(11\).pdf](http://www.stat.uz/file:///C:/Users/user/Downloads/Qis%20hloq,%20o%20rmon%20va%20balic%20xo%20jaligi%20(11).pdf)
7. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/agriculture-2...>

Одатда бу уй ҳайвонлари яйлов ва далаларда боқилади. Кейинги йилларда яйлов ва далаларнинг камайиб кетиши, ушбу кўрсаткичларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Паррандалар эса табиатан жуда нозик бўлиб, касалликка ва иқлим ўзгаришига жуда сезгир жониворлардир. Бу кўрсаткичлар эса охириги йилларда ўсиб бориш характерида давом этмоқда.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар тўғрисида маълумот (тирик вазнда, минг тонна)

Бошқа турдаги моллар яъни, отлар, туялар, қуёнлар ва бошқалар 2015 йилда 15 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 1,4 минг тоннага камайиб кетган, 2021 йилда 14,1 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 13,6 минг тонна яъни 500 тоннага камайганини кўришимиз мумкин. Бу эса соҳани ривожлантиришда янада кўпроқ изланиш ва зарур шароитлар етарли эмаслигини кўрсатади [7].

Хулоса (Заключение. Conclusion).

Юқоридаги фикр ва статистик маълумотларни таҳлил қилиб, қуйидаги тақлифларни бермоқчимиз: чорва маҳсулотларини кўпайтириш ҳамда уларни соғлом етиштиришда, аҳолини сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда чорва моллари учун етарлича яйловлар бўлиши, турли касалликлардан ҳимоялашда сифатли вакцина ва лабораториялар бўлиши, чорва озукасининг тўйимли, сифатли ҳамда узлуксиз бўлишини таъминлашда зарарланган тупроқ, иқлим ўзгариши, ем-хашак етиштиришда экин майдонларининг танқислиги шароитида гидропоника усулида етиштирилаётган чорва озукасини кўпайтириш, малакали ветеринар шифокорларни кўпайтириш, аҳоли ва фермер хўжалиқларини суғурта таваккалчиликларида оғохлантириш.